

# Мусо алайҳиссалом ва тавба қилган банда қиссаси



15:02 / 29.12.2022 1797

Ҳикоя қилишларича, Бани Исроил қавмига бир муддат ёмғир ёғмай қўйди. Аллоҳнинг Набийси Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолодан ёмғир ёғдиришини сўраб дуо қилдилар. Шунда Аллоҳ таоло: «Орангизда қирқ йилдан бери Менга исён қилаётган банда бор», деб ваҳий қилди.

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолодан: «Бизга нимани буюрасан?» деб сўрадилар.

Аллоҳ таоло: «Уни орангиздан чиқариб юборинглар, агар у орангиздан чиқса, ёмғир ёғади» деб марҳамат қилди.

Мусо алайҳиссалом қавмларига юзланиб: «Эй Бани Исроил, орамизда қирқ йилдан бери Аллоҳ таолога гуноҳ қилиб юрган кимса бор. Унинг гуноҳи сабабидан осмондан ёмғир ёғмай қўйди. У орамиздан чиқиб кетмагунча, ёмғир ёғмайди», деб хитоб қилдилар.

Гуноҳкор банда бу хитобга жавоб бермай, қавм орасидан чиқмади. Ичида: «Эй Роббим, бугун мен одамлар орасидан чиқсам шарманда бўламан. Агар уларнинг орасида қолсам, барчамиз ташналиқдан ҳалок бўламиз. Олдимда фақатгина Сенга тавба қилиб, истиғфор айтиш йўли бор холос. Мени мағфират қилгин ва гуноҳларимни беркитгин», деди-да, Аллоҳга тазарруъ билан дуо қила бошлади. Аллоҳ таоло унинг тавбасини эшитиб, қабул қилди. Банда сўзи ва дуосини охирига етказмай туриб, осмондан ёмғир ёға бошлади.

Мусо алайҳиссалом: «Эй Роббим, орамиздан ҳеч ким чиқмай туриб ёмғир

ёғди», дедилар.

Аллоҳ таоло: «Қирқ йилдан бери Менга гуноҳ қилган бандамнинг тавбасидан рози бўлганим сабабли ёмғир ёғди», деб марҳамат қилди.

Мусо алайҳиссалом: «Эй Роббим, менга ўша бандангни кўрсатиб қўйгин, мен ҳам унинг тавбасидан қувонай», дедилар.

Шунда Аллоҳ таоло Ўзининг Набийсига: «Эй Мусо, қирқ йил Менга гуноҳ қилиб турганда уни яширдим, бугун Менга тавба қилганда шарманда қиламанми?!», дея марҳамат қилди.

Субҳаналлоҳ, эй Роббимиз, нақадар Меҳрибонсан!

Азизлар, тавба эшиги очиқ экан, Роббимизга ихлос билан тавба қилайлик. Зеро, У тавбаларни кўплаб қабул қилувчи Зотдир.

**Таржимон: Нозимжон Ҳошимжон**

**Муҳаррир: Хуршид Маъруф**